Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 101 (5692)
1 МАЙ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Яшасин 1 Май–Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни!

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев СССР Олий Совети Президиумининг топшируви билан биноан 30 апрель куни КПСС Марказий Комитети аппаратининг масъул ходимларидан бир группасига — Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фронтининг актив қатнашчиларига I ва II даража Ватан уруши ордени, «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг қирқ йиллиги» юбилей медалларини топширди.

М. С. Горбачев барча ўртоқларни Ватаннинг юксак мукофотлари билан, яқинлашиб келаётган байрамлар — Биринчи Май ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги билан самимий табриклади, уларга сиҳат-саломатлик ва Коммунистик партия сиёсатини амалга оширишда муваффақиятлар тилади.

Мукофотланган кишилар ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун партия билан ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар ва бундан буён ҳам социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлида ўзларининг бутун куч ва билимини сарфлашга ваъда бердилар.

(ТАСС).



ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК БАЙРАМИ

ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИРИНЧИ МАЙ НАМОЙИШИДАН РЕПОРТАЖ

Табиат гулгун чирой очган, хушҳаво баҳор кунларини юртимизда ажойиб байрам: тинчлик ва меҳнат айёми — Биринчи Май ҳаммамиз учун порлоқ ва қувончлидир. Туғилган кунининг 115 йиллигини биз яқиндагина нишонлаган В. И. Ленин бу байрамни ўз моҳиятига кўра интернационал, революцион, бутун дунё ишчилар ҳаракати тарихи, унинг тинчлик ва социализм идеали билан боғлиқ эзгу орзу ва умидлари байрами деб атаган эди.

Бу йил анъанавий баҳор ва халқларнинг тинчлик ва бахт-саодати учун яратувчанлик меҳнати байрами Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумининг зўр таассуротлари остида ўтяпти. Унинг қарорлари барча йўналишларда ишни тартибли, аниқ йўлга қўйишга, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга, социал-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга, шахснинг уйғун камол топиши учун қулай шарт-шароитни яратишга йўналтиряпти. Инсон учун, Инсон бахт-саодати учун хизмат қилувчи бу сиёсат урушни қатъиян рад этади. «Совет Иттифоқи бизнинг ижтимоий тузумимиз, ахлоқимиз ва дунёқарашимиз белгилаб берадиган ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлига қатъий риоя қилишини яна ва яна айтмоқда», — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев.

Биз меҳнаткашларнинг тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик кунини ҳуш кайфият ва ватанпарварлик кўтаринкилиги остида байрам қиляпмиз. Заводлар, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ёнида тўпланаётган ва шаҳар кўчалари бўйлаб байрам маршига тайёрланаётганларнинг колонналарида шод-ҳуррамлик, жаранг-жаранг қўшиқлар авжида. Совет давлатининг асосчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленин номи билан аталувчи майдон уларни чорлаяпти. Ушбу тонгги соатларда у гўзал ва байрамона кўрк очган. В. И. Ленин ҳайкалининг икки томонида жаҳон пролетариатининг доҳийлари — К. Маркс, Ф. Энгельс портретлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретлари. Иттифоқдош республикаларнинг байроқлари мағрур ҳилпирайди, «1 МАЙ» сўзининг донадона ҳарфлари ҳамма томондан яққол кўринади. Энг чиройли биноларга ўрнатилган тематик панноларда мамлакатимиз бугунги ҳаётининг энг муҳим воқеалари — Халқаро бирдамлик куни, КПСС XXVII съездига тайёргарлик, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги акс эттирилган. Парадлар ҳиёбонида қизил алвонлар мағрур ҳилпираяпти. Тантаналар бошланишига оз вақт қолди.

Эрталаб соат 10. В. И. Ленин ҳайкали пойидаги минбарга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, республика партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари кўтариладилар. Меҳмонлар минбарларида — СССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, Ленин партияси ветеранлари, ишлаб чиқариш пешқадамлари, фан, маданият ва санъат арбоблари. «Ватан» байрам увертюрасининг тантанавор садолари остида доҳийимиз В. И. Ленинни, жонажон партияни мадҳ этувчи шеър янграйди.

«Буюк Ленинга — Шон-шарафлар, Шон-шарафлар, Шон-шарафлар!» хитоб қилишади майдонга йиғилганлар. — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига — Шон-шарафлар!». Гулдасталар кўтарган болалар Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республика ҳукумати раҳбарларига гулларни тақдим этиш учун минбар марказига йўл оладилар. Яшил майдонда спортчилар ранг-баранг алвонлар ёрдамида жозибали гулдасталар «бунёд этишади». Қизил байроқлар кўтарган байроқдорлар майдонга кириб келишади. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, XI беш йиллик машъаллари бу ерда қарсаклар билан кутиб олишади. Уларнинг ҳар бирининг кўксида жанговар ва меҳнат шон-шуҳратини ифодаловчи нишонлар, юксак ҳукумат мукофотлари. Уларнинг шаҳдам одимларига пойтахтнинг зарбдор меҳнати учун Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақасида 1984 йилда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган пойтахт корхоналарининг ёркин ҳилпираётган байроқлари алоҳида тантанаворлик баҳш этяпти.

Хиёбоннинг сўл ва ўнг томонида физкультурачилар яратган «йирик чинни гуллар» ва «ТИНЧЛИК» сўзи пайдо бўлади.

«КПСС XXVI съезди» сўзлари ёзилган, иттифоқдош республикаларнинг байроқлари билан безатилган машина майдонга кириб келади. Музика янграйди, лекин у тўсатдан тўхтайди ва унинг ўрнига жанговар оҳанглар ва қуйидаги сўзлар янграйди: «Жон фидо этганлар Сизга шон-шараф! Мангу барҳаётлар Сизга шон-шараф! Халқ Сизга айтар мангу шон-шараф. Шавкатли яшаганлар. Ажални енганлар. Сизнинг хотирангиз асло сўнмайди!»

Майдонни ёш барабанчилар, зарницачилар тўлдиришади. Бу ерга «Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги» деб ёзилган машина кириб келади. Улар минбарлар ёнидан уруш йиллари музикаси садолари остида марш билан ўтадилар. Майдоннинг ямяшил поёндозидаги қизил тус оққа айланиб, ўзига хос пахта чаноғи вужудга келади. Унинг ёнида миллий кийимлардаги қизлар ва қизил байроқларни кўтариб олган байроқдорлар пайдо бўлишади. Миллий оҳанглар янграйди, рақслар ижро этилади. Мана баҳорги тўлин оқимдек майдонга пойтахт меҳнаткашларининг байрам намойиши оқими кириб келади. Колонналар узра — К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретлари. Намойишчилар кўтариб олган шиорлар, плакатлар ва транспорантлар совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсати, партия ва халқнинг бузилмас бирлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Байрам колонналарида «Меҳнат, Тинчлик, Май» шиорлари остида қадам ташлаётган Тошкент меҳнаткашлари Биринчи Майни улкан ишлар ва ҳайрли ташаббуслар билан кутиб олишяпти. Ўзбекистон пойтахти индустрияси 29 апрелда товар маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича тўрт ойлик планни якунлади, ой охиригача май шартнома мажбуриятлари ҳисобига ўнлаб миллион сўмлик машинасозлик, приборсозлик, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат, қурилиш индустриясининг турли маҳсулотларини, кенг эҳтиёж буюмларини қўшимча етказиб берди. Қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгограддаги корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг Буюк Ғалабага бағишлаб 4 майда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш юзасидан ташаббуси республика пойтахтида қизғин қўллаб-қувватланди. «Ер юзида тинчликдан қадрлироқ нарса йўқ, — дейишди Ўзбекистон пойтахтининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари. — Лекин тинчлик учун фидокорона меҳнат билан курашмоқ лозим. 4 Майни юқори унумли меҳнат билан нишонлаймиз». Байрам колоннасида ўтиб бораётган Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводи коллективи шу куни олти электр двигатели, шунча жуфт ғилдирак, салкам икки мингта тормоз колодкасини ремонтдан чиқаришни режалаштирди. Жами 30 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилади.

Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводида Хотира вахтасига 4 май куни 1200 га яқин киши чиқади. Корхона коллективи беш йиллик фондига 50 минг сўмдан зиёдни ўтказишни режалаштирди. Хайрли ташаббусни пойтахтнинг барча меҳнат коллективлари қўллаб-қувватлашди.

Байрам намойиши борган сари кенгаймоқда. Байрамолди вахтасида катта ютуқларга эришган Ленин, Ҳамза, Чилонзор, Сергели районларининг вакиллари ўтишяпти. «Узбексельмаш», кўприкбоп темир-бетон конструкциялар, «Миконд», экспериментал фурнитура-пластмасса, 1-ун заводи ва бошқа корхоналарнинг меҳнатчилари Биринчи Май шарафига олинган мажбуриятларини шараф билан бажаришди ва тўрт ойлик план бажарилганлиги ҳақида биринчилардан бўлиб рапорт беришди.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари байрам колонналарида шахдам одим ташлашяпти. Ҳамза райони рапортида уларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича апрель ойи плани 101,3 процент, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича 101 процент бажарилиши таъминланди, меҳнат унумдорлиги 103 процентни, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига маҳсулот ҳажмининг ортиши 76,2 процентни ташкил этди. Авиабирлашма хом-ашё, материаллар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича область жамоат кўригида эришган ютуқлари учун Ўзбекистон Компартияси Тошкент область партия комитети ва область касаба союзлари Советининг фахрий дипломи билан тақдирланди.

Майдон узра «Яшасин 1 Май — Меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни!» чақириғи янграйди. Минглаб овозлар «Ура!» дея унга акс садо беради.

Байрамона майдонда Куйбишев район вакиллари. Районда мусобақанинг олдинги сафида «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари боришяпти. Бу корхонада республика далаларида жавлон ураётган механизаторларнинг меҳнатини анча енгиллаштирувчи герметик кабинали пахтачилик тракторлари ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштириляпти.

Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатининг бинокорлари шахдам қадам ташлашяпти. Булар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати И. Орипов бор. Унинг меҳнат календарида 1986 йилнинг ноябрь ойи бошланган. Бригада биринчи квартал планини 154 процентга бажарди.

Майдонга кириб келаётган намойишчилар колонналарида республика Фанлар академиясининг олимлари ўтишяпти. 691 миллион сўм — халқ хўжалигининг турли тармоқларига 1984 йилда 230 дан зиёд илмий ишнинг жорий этилиши ва аввалги йиллардаги 336 илмий ишнинг фойдаланилишидан шунча иқтисодий самара кўрилади. Олимларнинг ғўзанинг янги навларини, кам заҳарли гербицидларни яратиш, тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қўшаётган ҳиссалари салмоқли.

Майдон бўйлаб пойтахтнинг Акмал Икромов, Фрунзе, Собир Раҳимов, Октябрь районлари меҳнаткашлари ўтиб боришяпти.

Пойтахт ёшлари «Ёшларнинг Москвада бўладиган XII жаҳон фестивалига — бизнинг зарбдор меҳнатимиз, ўқишдаги муваффақиятларимиз!» шиорларини кўтариб одим ташлашяпти. В. И. Ленин майдонидан ўтиб бораётган колонналар узра Коммунистик партия, совет халқи шарафига, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва жаҳон меҳнаткашларининг бирдамлигини шарафловчи чақириқлар, хитоблар ва табриклар янграйди. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» — мусаффо навбаҳор осмонига жанговар чақириқ таралади.

Бугун биз Биринчи Майни байрам қиляпмиз. Салкам бир ҳафтадан кейин эса — бизнинг Ғалаба кунимиз. Биринчи Май байрами учун ҳам қон тўкилган. Фашизмга қарши курашганлар Биринчи Май байрами учун ҳам, мусаффо осмон остидаги бахтли ҳаётимиз учун ҳам жанг қилишган.

Бугун байрам колонналарида ўтган Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликларини, КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларини бажаришга, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга қўшишга қатъиятларини намойиш этдилар.

Н. ПАНЯКШИНА.

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

25 апрель куни академик Н. Н. Блохин раислигида «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг мажлиси бўлди.

Комитет 1983—1984 йиллар учун Халқаро Ленин мукофотлари бериш тўғрисида тушган таклифларни кўриб чиқиб, шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

(ТАСС).

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

1983—1984 ЙИЛЛАР УЧУН ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги жуда катта хизматлари учун қуйидагиларга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари берилсин:

Индира Ганди — давлат ва жамоат арбоби, Ҳиндистон Бош министри (вафотидан кейин).

Нгуен Хиу Тхо — ВСР Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари, ВСР Миллат Мажлисининг Раиси.

Йозеф Вебер — сиёсат ва жамоат арбоби (ГФР).

Жан-Мари Легэ — илмий ходимлар Жаҳон федерациясининг президенти, профессор, жамоат арбоби (Франция).

Лунс Видалес — шоир, ёзувчи, жамоат арбоби (Колумбия).

Ева Пальмер — жамоат арбоби (Швеция).

Комитет раиси Н. Н. БЛОХИН (СССР);

Комитет аъзолари: Аруна Асаф АЛИ (Ҳиндистон), Эрве БАЗЕН (Франция), Нгуен Тхи БИНЬ (ВСР), Мирьям Вире ТУОМИНЕН (Финляндия), Ренато ГУТТУЗО (Италия), Сойло МАРИНЕЛЬО (Куба), Жеймс ОЛДРИЖ (Буюк Британия), Б. Е. ПАТОН (СССР), Н. А. ПОНОМАРЕВ (СССР), Жизель РАБЕСАХАЛА (Мадагаскар), Юзеф ЦИРАНКЕВИЧ (ПХР), А. Б. ЧАКОВСКИЙ (СССР).



● Тошкент. 1985 йил 1 Май. Меҳнаткашларнинг байрам колонналарида.

Н. Шарипов ва М. Нуриддинов фотолари.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

Биринчи Май байрақдорлари



ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

Жалил РОЗИҚОВ, СССР 60 йиллиги номидаги «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, топширилган иш учун шахсий масъулиятни ошириш, барча участкаларда тартиб-интизомни пухта йўлга қўйиш вазифаларини белгилаб берган партиямиз Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари ғоят қутлуғ кунларда ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда. Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май тантаналарида иштирок этар эканмиз, ҳар биримизнинг қалбимизда биргина ҳис жўш уради: у ҳам бўлса бутун инсоният тақдири учун жон куйдираётган, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, ядро уруши хавфининг олдини олиш учун изчил кураш олиб бораётган буюк Ватанимиз, шонли Коммунистик партиямиз билан чексиз фахрланиш туйғулари жўш уради. Қолаверса, тартиб-интизомни янада мустаҳкамлаш Ватанимиз қудратига-қудрат, тинчлик ишига муҳим ҳисса қўшади. Бинобарин, биз янги иқтисодий эксперимент шароитларида иш олиб боряпмиз. Бунда эса интизом ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Корхонамиз маҳсулотларини фақат мамлакатимиз корхоналаригина эмас, балки чет эл мамлакатлари ҳам олишади. Унга талаб-эҳтиёж тобора ошиб боряпти. Бугун В. И. Ленин майдонидан қалбимиз ғурур ҳисларига тўлиб ўтдик. Негаки, зиммамизга олган план ва социалистик мажбуриятларни адо этишда, 1 Майни кутиб олишда муносиб ютуқларни қўлга киритдик. Ўнлаб цехлар 1987—1988 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Бугунги кунда биз 30 га яқин чет эл мамлакатлари буюртмаларини муддатидан илгари бажараяпмиз. Улар орасида қардош Куба, Германия Демократик Республикаси, Польша, Венгрия ва бошқа мамлакатлар бор. Ишга ижодий ёндошиш, янги иш усулларини қўллаш, кўп станокчилик ҳаракати янгидан-янги меҳнат ютуқларининг гарови бўлмоқда.



ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Ҳамид ҚОРАБОЕВ, 11-«Висотстрой» тресті 17-қурилиш бошқармасининг фахрий аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор.

КПСС XXVI съезди қарорларини оғишмай амалга ошираётган лабзи ҳалол нияти муқаддас, мақсади олий жаноб халқимизнинг таъриф-тавсифга лойиқ ажойиб анъаналари бор. Чунончи, ҳар бир шодиёна кун, байрамни меҳнат армуғонлари билан кутиб олиш совет кишиларининг энг эзгу ниятига айланган. Мана бугун Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган бош майдондан ўтаётган ҳар бир киши, ҳар бир коллектив Ленин ҳайкали пойидан ёруғ юз билан ўтмоқда, десак янглишмаймиз. Чунки улар бу бахтга муяссар бўлиш учун меҳнатда фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Улар ўз зиммаларига олган шахсий ва коллектив социалистик мажбуриятларини оширib адо этдилар. Фидокорона меҳнати туфайли В. И. Ленин майдонида меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами намойишидан ўтиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ҳа, уларнинг юзидан табассум аримайди, чунки улар бу бахт, баҳор, меҳнат байрамиғ ажойиб туҳфалар билан қарши оляптилар.

Мен ҳар йили Май байрамида намойишчилар сафида ўтиб борар эканман, қалбларим ғоят шодлик ва қувончга тўлади. Шундай ажойиб майдонни, унинг архитектура комплексиғ яратган бунёдкорларга яна бир бор таҳсинлар айтаман. Шу билан бирга улуғ доҳий В. И. Ленин номи билан аталувчи шундай бир ажойиб майдонни яратишда, уни тиклашда ва қуришда иштирок этганлигимдан ғоят фахрланаман. Майдонга доҳий Ленининг ҳайкали улуғворлик бахш этса, унинг атрофидаги бир-биридан гўзал бинолар унга кўз қўйгандек ярашиб турибди.

Бригадамиз серқуёш Ўзбекистоннинг гўзал пойтахтида кўп қаватли ноёб иншоотларни бунёд этишда ўзига хос тажриба орттирган. Ҳозирда ҳам Пушкин кўчасидаги Ҳамид Олимжон майдонининг Ғарбий томонида яна бир кўп қаватли уй-жой комплексини бунёд этмоқда. Партия қарорларига ўзининг зарбдор меҳнати билан жавоб бериб келаётган бригадамиз бунёдкорлари ҳар бир минутни ғанимат билиб, ишни жадал суръатда олиб бормоқдалар.

Тақдир тақозоси билан пенсияга чиқишга тўғри келди. Бригадани шогирдларимдан бири — Отто Киршниманга топширдим. У интернационал бригадага моҳирлик билан бошчилик қилиб келяпти. Ҳа, шунча йиллик меҳнатим гаштини суришим мумкин эди. Аммо ўрганган, қадрдон бригададан кетолмадим. Ҳозир мен бригаданинг фахрий аъзоси сифатида меҳнат қилиб келяпман. Ёшларга билим ва тажрибамни ўргатмоқдаман. Бугунги шодиёна кунда улар билан пойтахтнинг бош майдони — В. И. Ленин номли майдондан 1 Май байрами намойишчилари сафида ўтиб борганлигимдан ғоят бахтиёрман.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан



Шонли санага бағишлаб

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент медицина институтида совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб профессор-ўқитувчилар составининг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Тошкент Давлат медицина институти ректори, профессор О. С. Маҳмудов кириш сўзи билан очди.

Конференц и я д а КПСС тарихи кафедраси доценти, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъфодаги полковник К. Ш. Зайнулин, КПСС тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори К. К. Каримов, медицина хизмати полковниги В. А. Ливицкий, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор М. А. Ашрапова совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида қозонган Ғалабанинг оламшумул-тари х и й аҳамияти, немис-фашист босқинчиларини тор-мор келтиришда Ўзбекистон меҳнаткашларининг қўшган ҳиссаси, Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳарбий медицина хизмати, Ўзбекистон медикларининг олиб борган қизғин ишлари ҳақида докладлар қилдилар.

СССР Медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси Ж. Н. Маҳсумов «Совет медиклари тинчлик учун, ядро урушининг олдини олиш учун, тинч фазо учун курашда» докладида врачлик касбининг инсонпарварлиги, янги урушнинг ҳалокатли оқибати тўғрисида одамларни ўз вақтида огоҳлантириш масаласига тўхталди. Медиклар ана шу масалаларни ҳал этишда, деб уқдириб ўтди нотиқ, илмий-тадқиқотлар натижалари асосида жамоатчиликни ядро урушининг медицина оқибатлари тўғрисида хабардор этишлари, врачларнинг ядро урушига қарши симпозиумлари, конференциялари, съездлари ва конгрессларини ўтказиб туришлари лозим.

А. ТЎХТАБОЕВ, Тошкент Давлат медицина институти санё-сий-иқтисод кафедраси мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, профессор.

Қаҳрамон шаҳарга сафар

В. И. Ленин номли Тошкент дедагогика билим юртида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига катта тайёргарлик кўрияпти. Бу ерда Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашув кечалари, фашизмни тормор қилишда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлик ва ташкилотчилик роли, Совет халқининг дўстлиги мавзуларида леклиги мавзуларида лекция ва суҳбатлар ўтказиляпти.

Шу кунларда ҳар бир группада шу тарихий санага бағишланган суҳбатлар ўтказилмоқда, девор газеталар, фото-монтажлар, альбомлар чиқарилмоқда. Ўқув корпусида ва ўқувчилар ётоқхонасида махсус стендлар тайёрланди. Ўқувчилар шаҳримиздаги тарихий жойларга экскурсияларга олиб борилияпти.

Яқинда учинчи курс ўқувчиларидан 30 нафари қаҳрамон шаҳар Киевга саёҳатга бориб келди. Улар ўқитувчи Карима Ҳошимова раҳбарлигида беш кун давомида Киевдаги тарихий обидаларни, Улуғ Ватан уруши музейини, «Бабий яр» шунингдек, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини томоша қилиб келдилар.

Т. ЖУМАНИЁЗОВА, В. И. Ленин номли педагогика билим юрти ўқитувчиси.

ХХ асрнинг буюк қурилишларидан бири — Байкал-Амур темир йўл магистрали мамлакатимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилган улкан интернационал қурилиш майдонидир. Яқинда унинг Байкал кўлидан то Амурга қадар қисми муддатидан бир йил илгари қуриб битказилди. Аммо кўҳна Сибирь диёридаги аср қурилиши давом этмоқда. Бу ерда асосий магистралнинг темир йўл шаҳобчалари, станциялар, посёлкалар қурилиш, шу зонада саноат корхоналарини бунёд этиш мақсадида минглаб совет кишиларни меҳнат қилмоқдалар.

Улар орасида донмо интернационал бурчга содиқ бўлган ўзбекистонликлар, шу жумладан тошкентлик бунёдкорлар ҳам ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Яқинда жамоатчи мухбиримиз Мурод Тиллаев «Тошкент оқшоми» йўлланмаси билан бу умумхалқ қурилишида бўлиб, ҳамюртларимиз ҳаёти, меҳнати билан яқиндан танишиб қайтди, уларнинг Сибирь диёридаги меҳнат жасоратларн ҳусусида туркум очерклар, лавҳалар ёзди. Бугун улардан биринн эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Тошкент оқшоми» йўлланмаси билан

АССАЛОМ, СИБИРЬ ДИЁРИ!

Интернационал бурчга садоқат

... Аср қурилишининг кўпгина қатнашчилари учун БАМга йўл чинакам улкан ишда кўп нарсаларни кўриш ва англаш, ўзини синаб кўришга бўлган кучли иштиёқ, қалб даъватидан бошланди. Айниқса, «УзБАМстрой» ихтисослаштирилган қурилишмонтаж поезди составида магистралга келган кўпчилик кишилар учун шундай бўлди.

Коммунист Владимир Скибюк бошчилик қилган бригада тўла составда Чорвоқдан БАМга келган. Бригада Чорвоқда гидроузел қурилишидаги сингари бу ерда ҳам тез орада энг яхшилар қаторидан жой олди. Виктор Қаюмов эса аксинча, ўз бригадаси аъзолари билан БАМдагина танишди. Унинг ўзи чирчиқлик бўлиб, «Таштрансспецстрой» тресті қурган объектларда ишлаган эди. Куандада унга сантехниклар бригадасини тузишни топширишди. Бу иш қийин бўлдими? Унчалик эмас. Қурувчилар орасидан 12 нафар кишини танлаб олиш унчалик мушкул эмасди... «Яхшиси,— деди менга мулойим жилмайиб Виктор Мажидович, — сиз бригадамиз ишчиси Комил Йўлдошев билан суҳбатлашинг».

Комил Йўлдошевни топиш унча қийин бўлмади: идора яқинида у ўз шериги билан иссиқлик трассаси учун ёғоч қоплама ясар эди. Мен Комил билан танишгач, БАМга жўнаб кетгунга қадар Тошкентдаги қайси қурилишда ишлаганлигини сўрадим.

— Мен Одессадан келганман, — деб жавоб қилди у.— Илгари умуман қурувчи бўлиб ишлаган эмасман...

Шундагина бригадирнинг мулойим жилмайишини эсладим. Суҳбат чиндан ҳам мароқли эди.

Комил Йўлдошев асли қўқонлик бўлиб, у ерда унинг ота-онаси, уча акаси яшайди. Акаларининг бири пармалаш мастери, иккинчиси автобус ҳайдовчиси, учинчиси эса ғаллакор, кўп йиллардан бери колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлайди. Комил кооператор бўлишга ҳозирлик кўрди. У Самарқанд кооператив институтининг 4-курсини тамомлагач, диплом олгунга қадар ўқишни давом эттиришга сабри чидамай, ишга кирди. Бир неча йил матлубот кооперацияси системасида ишлади, жиззахлик чўлқувар ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. Сўнгра рафиқаси туғилиб ўсган Одессага кетди. У ерда ҳам сут заводида дурустгина лавозимда ишлади...

— Нима десам экан? —деди Комил маъюс жилмайиб,— мен ҳаётда ўз йўлимни танламаганлигимни аллақачон тушуниб етган эдим, шунинг учун ҳам институтни ташлаб кетдим. Одессада ҳам яна таъминот соҳасида ишладим. Биламан, бу иш ҳам зарур ва муҳим. Бироқ шу ишни сидқидилдан севмасангиз-чи? Хотиним: балки Қўқонга қайтсак маъқул бўлар,— деди. Қайси юз билан бораман? Еш бола эмасман-ку, ахир. Шу орада Ўзбекистондан кўнгилли қурувчилар поезди БАМга келганлигини эшитдим. Мен ҳам боришга қарор қилдим. Ҳаммаси орқада қолди. Бироз ишлагач, разряд беришди, қурувчилар куни арафасида ҳатто ёрлиқ билан мукофотлашди...

Шофёр Юрий Каширский ҳам Куандага келган кўнгилли ёшлардан биридир. «УзБАМстрой»да уни менга энг яхши ҳайдовчилардан бири, деб таништиришди. Умуман, БАМда шофёрлик иши ғоятда қадрланиб, ҳозирги вақтда энг муҳим ва зарбдор куч ҳисобланади. БАМда ишлаётган ўзбек қурувчилари орасида «КамАЗ» машиналарининг ҳайдовчилари, айниқса зўр обрў-эътиборга эга. Биринчи қишнинг ўзидагина улар шундай обрў қозонишди.

Юрий Каширскийни гаражда учратдик. У машинани Ҳани станциясига бориш учун ҳозирлаётган эди. Шофёр мойли қўлини артар экан, бизга пешвоз турди.

— Бош механик билан диспетчер машинани кўздан кечирмай, дарвозага боришга ҳам рухсат бермайдилар, —деди у.—Ҳозир унчалик олисга қатнамаймиз —масофа 300 километрдан ошмайди. Ханига поездлар ҳали қатнамаган пайтда юк олиб келиш учун Тинда, Улан-Удэ, ҳатто Иркутскка боришга тўғри келарди. Бунақа вақтда эслатилмаса ҳам, ҳаммасини сўнгги мих парчингача батафсил кўздан кечирмасдан туриб, рулга ўтирмайсан, киши: олти юз километрлик олис жойда юк ортилган машинанг бузилиб қолса, бундан нохушроқ нарса бўлмаса керак.

— Лекин мени қийинчиликлардан нолияпти, деб ўйламанг, — деди Юрий ҳатто бирмунча хижолат тортиб. — Бу ерда ишлар етарли. Мен мана шундай ишларни орзу қилар эдим. Биз БАМга боришни хотиним билан бирга кўпдан орзу қилиб юрардик. Бу ерда одамлар қандай яшаб, меҳнат қилаётганликлари тўғрисида ўқиб билар эдик ва ўзимиз ҳам бамчилар сафида бўлиш, шу қурилишда иштирок этиш истаги билан яшардик...

— Мана, ниҳоят ўйлаганингиз тўғри бўлиб чиқдими?

— Ишимиздан хурсандмиз. Езда отпуска олиб уйимизга бордик. Бизлар отпускада бўлган пайтимизда бу ерга ўрганиб қолганимизни ҳис этдик. Ўрмон ўртасидаги посёлкамизни, дўстларимизни ва ишимизни соғиниб қолдик. Мен шофёр бўлганлигим учун ҳар куни машинада қаергадир бораман. Ўтган йили «КамАЗ» машинамни олганимда спидометр 13 минг километрни кўрсатган бўлса, ҳозир ундаги рақамлар тўқсон минг километрга бориб қолмоқда. БАМ шароитида шунча йўл босиш енгил эмас. Мен кўпгина жойларни кўрдим, лекин бизнинг Куанда ҳамма жойдан яхшироқдир.

...Ўзбекистондан БАМга борган қурувчилар бошқа қардош халқларнинг вакиллари билан улуғвор ишларни амалга оширяптилар. Улар Байкал-Амур магистралини қуришдан иборат ягона мақсад билан яшамоқдалар.

Мурод ТИЛЛАЕВ. Тошкент — БАМ — Тошкент.

* * *

СУРАТЛАРДА: ҳамюртимиз В. Заболотский бошлиқ дарахт кесувчилар бригадаси бўш келмаяпти; мастер Искандар Тоҳров қуюқ ўрмонда янги режалар хусусида ўйлашни хуш кўради.

Автор фотолари.





Биз—ватанпарвар интернационалистларимиз

АЗИЗ ДАРГОҲ

Сағбон орқали ўтадиган автобусларнинг «Райижроком» бекатида тушиб, ўнг томондаги тор кўчага юрсангиз, тўғри 81-боғчага борасиз. Бу боғча биноси 1952 йилга қадар Комсомол номли 22-болалар уйи бўлган. 1952 йилда унга Чилонзорнинг Байналминал кўчасида янги бино қурилгач, ўрнига 32-болалар уйи кўчиб келди. 1966 йилдаги эпзиладан кейин бу болалар уйи тугатилиб, биноси боғчага айлантирилди.

Ёшлик хотиралари билан боғлиқ жойлар киши учун бир умр азиз бўлиб қолади. Шунинг учун бўлса керак, Сағбондаги уй боғчага айлантирилгач, худди бир зиёратгоҳдай бўлиб қолди. Йиллар ўтган сайин уни кўриш учун атайин келувчилар кўпая бошлади. Булар болалиги шу ерда ўтган, ҳар хил миллатга мансуб бўлган, ҳозир эса бепоён мамлакатимизнинг турли жойларида яшайдиган кишилар эди. Улар гоҳо якка ўзлари, гоҳо бола-чақалари билан келиб, зич ўзбек хонадонлари ўртасида жойлашган уйни зиёрат қилишар, ёнларидаги кишиларга: «Бу ер бизнинг уйимиз бўлган, болалигимиз шу ерда ўтган», дейишарди. Келувчилар кўпаявергач, 81-боғча ходимлари ҳайрли иш қилишди. Махсус дафтар очиб, келган кишиларнинг адресларини ёзиб қўядиган бўлишди. Шундай қилиб бирга ўсган, вояга етишган, ҳаёт сўқмоқлари бепоён мамлакатимизнинг турли томонларига олиб кетган кишилар бир-бирларини топиш имконига эга бўлдилар. Шу йўсинда собиқ 32-болалар уйида тарбияланганларнинг анъанавий учрашуви юзага келди. Бу учрашув ҳар йили июнь ойининг учинчи якшанбасида Сағбондаги ўша 81-боғчада бўлади. Унга йилдан-йилга тобора кўпроқ одам тўпланаяпти.

Якшанба куни эрталаб соат ўнда болалар уйининг собиқ «бола»лари боғча ҳовлисига саф тортишади. Кейин болалар уйининг собиқ пионервожатийси, ҳозир Тошкент рус ёш томошабинлар театрида режиссёр бўлиб ишлаётган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Григорий Мустафин олдинга чиқиб, 32-болалар уйининг собиқ директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер Йўлдош Жадигаровга болалар уйининг собиқ тарбияланувчилари навбатдаги учрашувга тўпланганлиги ҳақида рапорт беради. Жадигаров қисқача нутқ сўзлаб, учрашувга келганларни табриклайди. Сўнг ҳамма сердарахт ҳовлидаги дастурхон атрофига ўтиради. Давра суҳбати ўйин-кулги, музика билан алмашиб, анча вақтгача давом этади.

Йўлдош Жадигаров бундан бир неча йил аввал пенсия ҳужжатларини расмийлаштириб юрганида республика Маориф министрлиги ходимларидан бири унга эскириб кетган хатнинг иккинчи нусхасини кўрсатди. Республика маориф халқ комиссарлиги 1942 йилнинг 13 февралида Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарлигига юборган бу мактуб бевосита Жадигаровга дахлдор эди. Мана ўша мактуб: **«Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссарлиги Сиздан беш йилдан бери 22-болалар уйида директор бўлиб ишлаб келган ўртоқ Й. Жадигаровни бизнинг системамизга қайтаришни илтимос қиладн. У миллий қисмга чақирилган эди, лекин соғлиги туфайли ҳарбий сафда хизмат қилишга яроқсиз деб топилган... Бунинг устига у четишн билан бу болалар уйи бутунлай тушкун ҳолга келиб қолган. Болалар уйида 165 та бола бор, уларнинг ярмини эвакуация қилинган болалар ташкил этади. Болалар ўртоқ Жадигаровни жуда севишади, шунинг учун уни ишга қайтаришни илтимос қилишяпти...**

Уруш шароитида болалар уйидаги иш катта сиёсий аҳамиятга молик— болалар ҳаётн ва соғлиғини сақлаб қолиш, уларнинг фронтларда жанг қилаётган оталарининг жанговар руҳини маълум даражада белгилайди,— УзССР Маориф халқ комиссарлиги 22-болалар уйидаги ишини давом эттириш учун ўртоқ Жадигаровни қайтариб юборишингизни илтимос қилади.

УзССР Маориф халқ комиссарининг ўринбосари Е. РАЧИНСКАЯ».

* * *

Жадигаров бу хат ёзилганидан бехабар эди. У 1941 йилнинг декабрь ойида ҳарбий хизматга чақирилди. Ҳарбий медицина комиссияси унинг соғлигини жанговар ишларда қатнашиш учун яроқсиз деб топди. Лекин аҳвол оғир, фронт учун одам ғоят зарур эди. Жадигаров эса 1927 йилдан партия аъзоси бўлган олий маълумотли педагог, сиёсий етук одам. Шунинг учун ундан армияда сиёсий ишларда фойдаланишга қарор қилишди. Уни Тошкентда ташкил этилган запасдаги 89-ўзбек ўқчи бригадасига батальон комиссари этиб тайинлашди. Бу батальон Янгибозорда турганида Жадигаров бир-икки марта хизмат билан Тошкентга келган, собиқ ҳамкасбларини кўча-қўйда учратганди. Афтидан, маориф комиссарлигидагилар аҳволдан ана шу кишилар орқали хабардор бўлиб, юқоридаги мактубни ёзишган бўлишса керак. Лекин мактуб кечикиб ёзилган, бу пайтда 89-ўзбек ўқчи бригадаси фронтга жўнаб кетганди.

Жадигаров саломатлиги нобоп бўлишига қарамай, қуролдош дўстлари билан бир сафда туриб, немис-фашист босқинчиларга қарши курашди. Москва атрофидаги Клин, Калинин, Ржев шаҳарлари, Смоленск учун бўлган ғоят оғир жангларда қатнашди. 1943 йилнинг августида контузия бўлгач, анча вақт госпиталда ётиб, 1944 йилнинг январь ойида соғлиги ҳарбий ҳизматга яроқсизлиги учун Қизил Армия сафидан бўшатилди.

Тошкентга келиб яна бироз шифолангач, уни 32-болалар уйига директор этиб тайинлашди. Орадан тўрт-беш ой ўтгач эса педагогика соҳасида кўп йиллар ишлаганлиги, жамоат ҳаётида актив иштирок этиб келаётганлиги учун ҳамда болаларни коммунистик рухда тарбиялаш ва ўқитиш соҳасида кўрсатган хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1944 йил 29 августдаги Фармони билан Йўлдош Жадигаровга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонини берди. У республикамизда бу шарафли унвонга сазовор бўлган дастлабки педагоглардан эди.

Бундан етти-саккиз йил муқаддам Йўлдош акага ВЛКСМ Марказий Комитети қошидаги олий комсомол мактабида ўқиган шогирди Йўлдош Каримов қуйидаги мактубни юборган: «Йўлдош ота, Сизни қизиқтирган масалада ВЛКСМ Марказий Комитети архивида бўлдим. Сизнинг РКСМнинг 1924 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган тарихий VI съездида меҳмон сифатида қатнашганлигингиз съезд ҳужжатларида қайд этилган экан. Мен бу ҳужжатларни Сизга етказаётганимдан бағоят мамнунман».

Йўлдош ака ўша пайтда Ўрта Осиё темир йўли Қизил Шарқ устахонаси қошида маҳаллий миллат ёшлари учун ташкил этилган муспрофтехникум (мусулмон ёшлар касб-ҳунар техникуми)да ўқирди. Уни 1924 йилнинг июнь ойида техникумнинг ўн олти нафар аълочи талабаси қаторида доҳий В. И. Ленининг юрти Симбирскка, Москва ва Ленинградга экскурсияга юборишди. Ёшлар Москвага етиб келишганда РКСМнинг VI съезди бошланиш арафасида эди. Шунда улар Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетининг ётоғида Туркистон республикасидан съездга делегат бўлиб келган ёшлар билан учрашдилар. Уша пайтда КИМнинг Шарқ бўлимига бошчилик қилган Ғани Муродбоевнинг ёрдамида улардан саккиз нафари (олти партия аъзоси ва икки комсомол) РКСМ VI съездида меҳмон сифатида қатнашди. Булар қаторида ёш комсомол Йўлдош Жадигаров ҳам бор эди. У съезднинг барча иштирокчилари қатори Большой театрда ўтириб, Н. Крупская, М. И. Калинин каби таниқли партия арбобларининг нутқини тингладн. РКСМга В. И. Ленин номи берилишининг гувоҳи бўлди.

1925 йилда муспрофтехникумни муваффақиятли тамомлагач, уни Келес волость комсомол комитетига секретарь этиб тайинлашди. Бу лавозимда 1931 йилгача ишлаб, ер ислоҳотини амалга оширишда, давлатга ғалла тайёрлашда, қулоқларни синф сифатида тугатишда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва саводсизликни тугатиш ишларида фаол иштирок этди.

Уруш бошланиши арафасида Й. Жадигаров Сағбондаги болалар уйида директор эди. У бу вазифада қандай ишлаганлигини, болалар муҳаббатини қай даражада қозонганлигини Е. Рачинскаянинг юқорида келтириб ўтилган мактуби. дан билиш мумкин.

Ҳозир шахсий пенсионер Йўлдош Жадигаров метронинг Ҳ. Олимжон станциясидаги осмонўпар биноларнинг бирида яшайди. Бу уруш ва меҳнат ветерани учун Тошкент— она шаҳар. У 1908 йилда «Ғалаба» боғи яқинидаги Улуғ Октябрь революциясига қадар файтунчи қозоқлар яшаган Қизилтарнов маҳалласида камбағал онлада туғилган. Ота-онасидан барвақт айрилиб, интернатда тарбияланган.

Қайсибир файласуф ҳаёт воқеалари занжирсимон бўлиб давом этади, деган экан. Бу фикрнинг тўғрилигини Йўлдош отанинг ҳаёти ва фаолияти тўла исботлайди. У совет ҳокимиятининг тонготарида ота-онасидан айрилганида яхши кишилар меҳрибончилигида ўниб-ўсганди. Вояга етгач, унинг ўзи ҳам етим-есирлар тарбиясига бутун умрини бағишлади. У тарбиялаган болалар қандай кишилар бўлганлигини республика телефильмлар студиясида яратилган, 32-болалар уйида тарбияланган ва меҳнат қилганларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Бахтли бўлинглар» ҳужжатли телефильмини кўриб тўла тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Сағбондаги уйда тарбияланганлар орасида қозоғистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Абдужабборов, тарихчи олим С. Қорабоев, инженер Й. Аксарнев, ички ишлар ходими А. Ражов, санъатшунос Т. Одилбеков, қурувчи Л. Вологуева каби ўнлаб ўз иқболидан мамнун, жамиятимизга катта наф келтираётган кишилар бор. Энг ажойиби, улар ҳар хил миллатга мансуб ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларида яшашади, аммо ўзларини бир оила фарзандлари ҳисоблашади.

Тошкент бу кишилар учун жонажон шаҳар. Улар ҳар йили бу ерга ташриф буюриб, Сағбондаги уйда учрашишни, болаликларида етим бошларини силаб, ўкситмай ўстирган, катта ҳаёт йўлига етаклаб олиб чиққан кишиларга таъзим бажо айлашни унутишмайди.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.



Тинчликсевар юртимизнинг байрамлари кўп. Зеро, улуғ Ленин асос солган Советлар диёрида тинч-тотув турмушнинг ҳар бир куни бир шодиёнадир.

Биз бугун меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майни байрам қилмоқдамиз. Олдинда эса яна бир муқаддас сана — совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишдек қутлуғ кунларимиз бор. Доҳий Ленин йўлидан бориб, қон-қардош халқимизни улуғ марралар сари руҳлантириб турган Коммунистик партиямизнинг бўлажак XXVII съездига катта тайёргарлик кетаётган йилда байрамларимиз ҳам ўзгача тантанага бурканган.

Мен бу муборак байрам кунида кўксим тўла фахр ва ифтихор билан пахтакор юртимиз, заҳматкаш деҳқонларимиз меҳнатида қўлга киритаётган ажойиб зафарлар ҳақида сўйлагим келади. Сидқидил меҳнат қилиб обрў ва эътибор қозонган беш йиллик илғорлари, оталар изидан бориб чўлларни боғ-роғ этаётган қалби қайноқ йигит ва қизларимизни қутлагим келади. Уларнинг меҳнат ютуқларидан илҳом олиб энг яхши асарларини яратаётган ижодкор дўстларимни табриклаб сам дейман. Шундай ажойиб замонамизни, совет кишиларининг тинч-тотув турмушини кўролмайдиган айрим урушпарастларга бизнинг биродарлигимиз умри боқийлигини, уни ҳеч қандай куч буколмаслигини таъкидлагим келади.

— Социалистик мамлакатларнинг қалин ҳамдўстлиги, унинг иқтисодий ва мудофаа қудрати, халқаро майдонда ҳаракатлар бирлиги инсониятнинг тинч келажаги учун курашда енгилмас кучдир, — деди КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида қилган докладида ўртоқ М. С. Горбачев.

Халқаро вазият кескинлашган ҳозирги даврда тинчликпарвар мамлакатимизнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, тинч-тотув яшашга чорловчи сиёсатини бутун жаҳон халқи қўллаб-қувватламоқда. Қуролланиш пойгасини кўмоқса ёйишга уринаётганлар бундан тегишли хулосалар чиқариб олиши керак.

Совет халқи ҳамиша тинчлик тарафдори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Чунки, бизга революция доҳийси улуғ Ленин шундай таълим берган. Биз осойишта меҳнат қилиш, тотув ва фаровон ҳаёт кечириш орзу-тилаги бўлган социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан биргаликда ҳамиша тинч келажак тарафдоримиз. Инқилоб шарофати билан бизга озод мамлакатда эркин яшашдек оддий ва буюк ҳуқуқ берилган. Шунинг учун ҳам бизнинг ҳар кунимиз байрам, байрамларимиз эса улкан намойишларга айланган.

Қутлуғ байрам кунларида дўстлар бир-бирларини қутлашиб, соғ-омонлик, бахт-саодат тилашади. Она заминга қут-барака, бўлиқ ҳосил тилак этишади. Мен ҳам байрам кайфиятидаги ҳамма инсонларга ана шу тилакларни билдирмоқчиман. Дунёда Тинчлик бўлсин, она-юртимиз омон бўлсин. Биз эса олдинда турган янги қутлуғ саналаримизни муносиб нишонлаш, фидокорона меҳнат қилиш, белгиланган планларни муваффақиятли бажариш, жонажон социалистик давлатимизнинг мудофаа қудратини ўз меҳнатимиз билан мустаҳкамлашдек муҳим вазифаларимизни шараф билан адо этаверайлик.

Улуғ байрамингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Комил ЯШИН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ДУНЁДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

● ДОҒИСТОН ҲАНДАЛАРИ

ПОЧТА КЕЛЯПТИ

Бир ёш йигитча меҳмонга борди. Унга чой олиб келиб, қандни унутдилар. Шунда у чой қошиғида чойни овоз чиқариб аралаштира бошлади.

Буни кўрган уй эгасининг қизи кулиб ўз сингилларига деди:

— Эшитяпсизми, эшитяпсизми, бу бизга почта келаяпти.

— Унинг ичида қанд ҳам бўлса, жуда ҳам яхши бўларди-да,— деди ёш йигитча ўзини йўқотмай!

КАСБУБАНИНГ БАХТИ

Бир куни Касбуба тарвуз сотиб олди. Уни қирқса, хом экан. Шунда у бундай деди:

— Омадни қаранг, менинг бахтим қора эди, яхшики тарвуз оқ чиқди.

ХАРИДОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ

Бир куни Касбуба йўл-йўл кўйлак кийиб, қорамол билан юзини бўяб, бозорга нарса сотгани жўнади. Дўстлари уни кўриб сўрадилар:

— Касбуба, нега юзларинг қора?

Касбуба жавоб берди:

— Мен харидорларни алдаганимда уятдан қизариб кетганимни улар билмаслиги учун, йўл-йўл кўйлак кийиб, юзимни қора мой билан бўяб олганман!

Русчадан Х. ИНОҒОМОВ таржимаси.

● Ажойиб насиҳатлар

Ҳикматнома

Ўтмишда донолар томонидан ёзилган ва ўз ичига одоб-ахлоққа оид ибратли ҳикоятлар ва ажойиб ҳикматларни жамлаган асарлар анчадир. Буларга мисол қилиб Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи муҳсиний», Жувайнийнинг «Нигористон», Хавофийнинг «Хористон» каби кўплигина асарларини кўрсатиш мумкин.

Ҳозирча асри ва таржимаи ҳоли номаълум бўлган Искандар Шерозийнинг «Туҳфат ал-вузаро» деб аталган рисоласида ҳам ана шундай ҳикматлар жамланган.

Биз бу рисоладаги тўртлик ҳикматларни форс тилидан таржима қилиб, оқшомхонлар диққатига ҳавола этишни лозим топдик.

Боб. Тўрт нарсани киши ўз олдига мақсад қилиб қўйиши керак: дўстларга эга бўлиш, ҳаммага тенг яхшилик қилиш, ободончиликка интилиш ва одамларга инъом-эҳсон қилиш.

Боб. Тўрт нарсани қилмаслик пушаймонлик гортмасликка сабаб бўлади: лойиқ бўлмаган кишига иш топширмаслик, пасткаш одамларга яхшилик қилмаслик, шошқалоқликка йўл қўймаслик, фисқи-фасод ишлар билан шуғулланмаслик.

Боб. Тўрт нарса барча учун ёқимли: адолат ва тўғрилик, ақл ва донолик, сабр ва чидам, ҳаё ва ибо.

Боб. Тўрт нарса барча назарида ёмон: гина ва ҳасад, керилиш ва манманлик, ғазаб ва қаҳр, дангасалик ва бепарволик.

М. ҲАСАНОВ,
Ҳ. БОБОБЕКОВ.



● Бош пландан бир лавҳа

Дўстлик шаҳри кўкка бўй чўзади

Уша машъум 1966 йил 26 апрель тонгидаги Тошкент зилзиласидан буён роппа-роса ўн тўққиз йил ўтди. Қарийб салкам йигирма йил давомида дўстлик, тинчлик ва қардошлик шаҳри Тошкент беқиёс даражада ўзгарди. Унинг архитектура ансамблари бойиди. Ҳозир «Ўзбекистон» ва «Москва» меҳмонхоналари, В. И. Ленин майдонидаги 20 қаватли маъмурий бино, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти биноси пойтахт кўркига кўрк қўшиб турибди. Кейинги йилларда Пушкин кўчасида москвалик ва тошкентлик қурувчилар ҳамкорликда кўп қаватли «Дўстлик» комплексини бунёд этдилар. Агар санайверсак, шаҳримизда бундай осмонўпар бинолар жуда кўп. Бугунги кунда улар ўзбек меъморчилигининг ютуқларини кўз-кўз қилмоқдалар.

Тошкент аҳолисининг замонавий уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида лойиҳачилар ва архитекторлар уйларнинг тузилишини яхшилаш, эстетик қиёфасини ва сифатини ошириш муаммолари устида тинимсиз изланмоқдалар. Шу билан бирга олимлар бир йўла Тошкент атрофида жойлашган, қимматли ҳосилдор ерларни сақлаб қолиш масаласини ҳам ҳал этмоқдалар. Бунга фақат шаҳарни кўкка бўй чўздириш билан эришиш мумкин, яъни бошқача қилиб айтганда, келгусида Ўзбекистон пойтахтида баланд қаватли уй-жойларни қуриш кўзда тутилади. Бу шаҳарнинг янги Бош планида ҳам белгиланган. Пойтахтда тўққиз ва ундан баланд уй-жойлар 80 процентни ташкил этиши керак.

Бу борада «ТошЗНИИЭП» институти ходимлари самарали иш олиб бормоқдалар. Улар сейсмик жиҳатдан кучли бўлган районларда «ТДСК 71А/77» сериядаги йирик панелли тўққиз қаватли уйлар қуришни таклиф этмоқдалар. Бунга худди мана шу сериядаги уйларнинг конструктив схемаларини такомиллаштириш туфайли эришилди. Бу уйларда вертикал ва горизонтал тутташувларни мустаҳкамлаш, девор панелларига ишлатиладиган бетонлар маркаси пишиқлигини ошириш борасида талай ишлар қилинди. Ҳозирда «ТДСК 71А/77» сериядаги дастлабки 8 ва 9 қаватли уйлар Тошкентнинг Оҳангарон шоссесида қурилди. Тўққиз қаватли уйлардан бири бир неча марта давомли сунъий зилзила содир этиш билан синаб кўрилди. Янги уй синовдан муваффақиятли ўтди. Бундай тўққиз қаватли тўрт секцияли уйларнинг турар жой сахни 7802 квадрат метрни ташкил этади. У уч ва беш хонали квартиралардан иборат.

Бундай биноларни қуриш натижасида қурилишнинг мустаҳкамлиги беш қаватли уйларга нисбатан 23,6 процент ошди. Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинатида ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, комбинатни реконструкция қилган ҳолда бундай кўп қаватли уйларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Пировард натижада Тошкентда қурилаётган «IT—СП» сериядаги тўққиз қаватли уйларга нисбатан бу уйларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди. Қурилиш таннархи эса 11 процент қисқарди, металл сарфи эса 15 процент камайди, меҳнат харажатлари ҳам 8 процент озайди.

Аммо тўққиз қаватли бино бу сўнгги марра эмас. Ҳозир меъморлар 16 қаватли уйларнинг мустаҳкам лойиҳасини яратиш борасида иш олиб боряптилар. Жумладан, айни пайтда «ТошЗНИИЭП» институтида йирик панелли 16 қаватли экспериментал уйнинг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур эксперимент уй «148» сериядаги 9 қаватли уйнинг асосида ишламоқда.

Хуллас, серқуёш Ўзбекистоннинг гўзал пойтахти кун сайин чирой очмоқда. Унинг осмонўпар бинолари сафига тобора янгилари қўшилиб боряпти.

М. КАМОЛОВА,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг студенти.

* * *

СУРАТДА: Оҳангарон шоссесида қурилган янги «ТДСК 71А/77» сериядаги 9 қаватли уйнинг кўринишн тасвирланган.

В. Михайлов фотоси.

Тарих солномасидан

Салкам юз йиллик анъана

Халқаро бирдамлик куни —1 Майнинг нишонланишига келгуси йили юз йил тўлади. Қаранг, салкам юз йилдан буён Чикагода бўлиб ўтган Май намойиши нишонланиб келмоқда. Бу ерда дастлабки Май намойиши қатнашчиларига мўъжазгина ёдгорлик ҳам ўрнатилган.

Доҳиймиз В. И. Ленин 1 Майни истак ва орзу-умидлар байрами, деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам бу байрам жаҳон ишчилар ҳаракати, тинчлик ва социализм идеали билан чамбарчас боғлиқдир.

Тошкентда биринчи марта ишчиларнинг снёсий чиқиши 1904 йил 1 Майда бўлди. В. Д. Корнюшиннинг уйида ишчилар йиғилишиб, меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни —1 Майни нишонлашга қарор қилдилар. В. Д. Корнюшиннинг социал-демократик группаси варақа чиқарди. 1 Майга ўтар кечаси ва байрам куни бутун шаҳар бўйлаб ана шу варақалар тарқатилди. Эски дарворларгача ана шундай варақалар ёпиштириб қўйилган эди. Заводлардаги дастгоҳларга ҳам, цехларнинг деворига ҳам варақалар ёпиштириб қўйилган эди. 1 Май куни эса Бош темир йўл устахонасининг ишчилари иш тугаши арафасида корхона дарвозаси олдида тўпланиб, «Марсельеза» ва бошқа революцион қўшиқларни куйлаб, олға юрдилар. Сўнгра ишчилар шаҳар ташқарисига мавёвкага йўл олишди.

Тошкентда революцион социал-демократлар 1905 йилда бир қатор иқтисодий талаблар билан биргаликда снёсий талаблар ҳам қўйдилар. Йиғилиш ва стачкалар ўтказиш, касаба союз ташкилотларининг эркинлигини талаб қилиш билан бирга айни пайтда 1 Майни ҳам нишонлаш эркинлигини талаб қилиб чиқдилар. Темирйўлчи ишчилар иш ташладилар. Пролетар ҳаракати тобора кенгайиб, ривожланиб бораверди.

1905 йил 1 Майда Туркистон шаҳарлари меҳнаткашлари иккинчи марта ўзларининг пролетар байрамларини нишонладилар. Шу куни намойишлар уюшқоқлик билан ўтди. Тошкент социал-демократлари прокламациялар чиқаришди. Улар бошқа шаҳарларга ҳам тарқатилди.

Йиллар ўтди. Ишчиларнинг оммавий чиқишлари ҳар қандай таъқибларга қарамай давом этаверди. Революцион чиқишларнинг қатнашчилари корхоналардан бўшатилар ва маъмурий тартибда ўлкадан чиқариб юборилар эди. Корхоналарда «қора рўйхат»лар тузилар, унга илғор, онгли ишчилар киритиларди.

1908 йил 1 Майга, чоризм барча қаттиқ чораларг кўришига қарамай, Тошкент темирйўлчилари олдиндан тайёргарлик кўришди. Шу куни иш ташлашга аҳд қилинган эди. Бироқ шунга қарамай қозон цехининг ишчилари 1 Май куни иш ташладилар.

Большевиклар бошчилигидаги ишчилар снёсий тўгараклари-нинг фаолияти янада активлашди. Энг катта тўгараклардан бири Бош темир йўл устахонасида тузилган эди. Н. В. Шумилов унинг ташкилотчиси бўлди. Бу ерда ишчилар большевистик адабиёт билан танишар, снёсий воқеаларни муҳокама этишарди.

1913 йил 1 Майда Қорасувда маёвка ўтказилди. Унда кўн-мўйна корхоналарининг ишчилари ҳам фаол қатнашдилар. Шу куни Тошкент ишчилари Петербург, Москва, Рига ва марказий Россиянинг бошқа шаҳарлари ишчилари қатори 1 Майни нишонладилар.

Тошкент темир йўл ишчиларининг тобора кенгайиб борган ҳаракатлари Қўқон, Андижон, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам кенг тус олиб кетди. Уларда рус ишчилари қаторида ўзбек ва бошқа миллат ишчилари ҳам фаол иштирок этдилар. 1 Май намойишлари чинакамига интернационал аҳамият касб эта борди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин 1 Май байрам сифатида эмас, асосан намойиш тарзида ўтказиб келинган бўлса, революциядан кейин у ҳақиқий байрамга айланди. 1917 йилда Петрограддаги намойишида доҳиймиз Владимир Ильич Ленин бўлган эди. 1918 йилда эса Москвада биринчи совет 1 Майи ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Қизил майдонда бўлган митингда Владимир Ильич Ленин нутқ сўзлади.

Салкам юз йиллик тарихга эга бўлган 1 Май бугунги кунда миллионлаб тинчликсевар халқларнинг ҳақиқий интернационал байрами бўлиб қолди. Жаҳоннинг ҳамма бурчагидаги прогрессив инсоният уни Тинчлик ва Бахт байрами сифатида кенг нишонламоқда. Кўҳна ва навқирон Тошкентимизнинг кўчалари ва хиёбонларида, майдонлари ва проспектларида минг-минглаб қизил байроқлар, транспарантлар кўтариб олган меҳнаткашлар тўлқинини кўрганимизда, бехтиёр бу шодиёна байрамни қарор топтиргунча қанчадан-қанча эрксевар кишилар жабру-жафо чекканини, бу нурли байрам қанчалар оғир машаққатлар ва йўқотишлар эвазига майдонга келганини яна бир бор эслайсан, киши!

Ҳ. АБРОРОВ.

БОЛАЛАР ШИФО МАСКАНИ

Урта Осиё медицина педиатрия институти қошида бунёд этилаётган кўппрофилли 300 ўринли болалар касалхонаси қурилишида муҳим давр бошланди. Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-трестнинг 18-қурилиш бошқармаси қурувчилари ишни жадаллаштириб юборишди.

Куни кеча касалхонанинг 120 ўринли иккита бинои фойдаланишга топширилди. Бир вақтнинг ўзида рентгенология ва радиология бўлими, патологик анатомия корпуси ҳамда 300 беморга овқат тайёрлаш учун мўлжалланган ошхона, гараж ва корхона бинолари ҳам қуриб битказилди.

Касалхонанинг бошқа корпуслари шу йилнинг иккинчи кварталида ишга тушади.

Д. СУЛТОНОВА.

ҲАССА

(ҚАТРА)

Баҳор. Осмонда паға-паға булут кезади. Яқиндагина ёғиб ўтган ёмғирнинг сувлари ҳар ер, ҳар ерда халқобланиб туриб қолган. Оёқлар остида эндигина ердан бош кўтарган ўт-ўланлар. Димоққа кўкламнинг намҳуш ҳиди урилади. Баҳор шабадаси танни яйратади...

Эшик кесакисига суянганимча кўчага хаёлчан тикиламан. Мана йўл четидан, тротуар бўйлаб бир кампир секин одимлаб бормоқда. Эскигина жун рўмолга яхшилаб ўраниб олган. Белини яна бир қора рўмол билан танғиб олган. Оёқларида эскироқ бўлса-да яхши сақланганлигиз сезилиб турган маҳси-кавуш. Қўлларида ҳўноқ устанинг қўли билан йўниб ясалган ҳасса. Бу ҳасса эгасига анчадан бери садоқат билан хизмат қилаётганлиги кўриниб турибди. Чунки унинг кампир тутиб бораётган томони силиқланиб, ялтираб кетган.

Кампир букчайиб қолган гавдасининг бутун оғирлигини шу ҳассага ишониб топшириб қўйган. Ҳасса ҳам гўё шу юксак ишончни оқламоқчидек букилмай-ди, ерга тираниб маҳкам туради.

Мен шу манзарани кузатар эканман, беихтиёр ўйга толаман: Шу оддий, жонсиз ёғочга бир эътибор беринг-а! Мана шу ёғочда ҳам қанчалик садоқат мужассамлашган. Ахир дунёда шундай фарзандлар ҳам борки, улар оналарига ана шу ҳассачалик ҳам садоқат кўрсата олмайдилар! Қарийб букчайган она қаддини кўтариб, унга қувват бўлишдан, мадад бўлишдан ор қиладилар, уни ёлғиз ташлаб кетиб ҳам қоладилар. Баъзан шу каби воқеаларга дуч келганингда ана шундай бемеҳр, беоқибат фарзандлардан кўра чала йўнилган мана шу ҳассалар минг афзалроқдир дегинг келади.

Тўлқин РАҲМОНОВ.



Бугунги кунда «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг шуҳрати нафақат республикамизда, балки мамлакатимизда ҳам машҳурдир. Ансамблнинг репертуаридан СССР ва жаҳон мамлакатлари халқларининг юздан ортиқ куй ва қўшиқлари ўрин олган.

СУРАТДА: ансамбль қатнашчилари.

● Биласизми?

НОДИР МЕТАЛЛ ҚИЙМАТИ

Ҳар қандай қимматбаҳо заргарлик буюмлари-ю, турли жиҳозлар соф нодир металларнинг ўзидангина тайёрланмайди. Буюмлар узоқ муддат чидамли бўлиши учун уларга монанд бўлган металлар қўшилади. Жумладан, олтин билан кумушга мис, палладий, никель металларини қўшиш мумкин. Палладийга эса кумуш ва никель қўшиб қотишма тайёрланади. Мана шу қотишма таркибидаги нодир металл ҳажми унинг пробасини белгилайди.

Россияда 1927 йилгача мисқол, яъни золотник системаси юритилар эди. СССРда 1927 йилдан бошлаб қотишманинг минг ҳиссасидан қанча ҳиссаси нодир металл бўлса, шу унинг проба миқдори деб қабул қилинадиган бўлди. Белгиланган пробалар давлат томонидан гарантияланади. Бу буюмлар мунтазам назоратдан ўтказиб турилади. Уларнинг ўзига хос шакл ёки тамғаси бўлади. СССРда у ўзгармас эмблема [беш қиррали юлдуз кўринишида «Уроқ ва Болға» тасвири] ва уч рақамли метрик пробадан иборат.

Республикамизда 583 пробали олтин қотишмаси кўп ишлатилади. Олтин буюмларга қўшилган рангли металларнинг ранги ва миқдори қотишма рангига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, 583 пробали олтин қотишмаси таркибини олиб қарасак, унда 58,3 процент олтин, кумуш эса 36 процент, мис 5,7 процентни ташкил этиб, бу буюм яшил рангда товланади. Агар шу қотишманинг 8,3 процентни кумуш, 33,4 процентни мис металлидан иборат бўлса, қизғиш тусда бўлади. Шунингдек, қотишма таркибига никель, рух, палладий каби мустаҳкам рангсиз металларни қўшиш мумкин.

Энг кўп ишлатиладиган кумуш қотишмаси эса 875 пробали бўлади. Улардан қимматли ва сифатли уй жиҳозларини тайёрланади. 958 пробали олтин қотишмаси унча мустаҳкам эмас, шунинг учун ундан фойдаланилмайди. Кўпинча кумуш ва жез буюмларини занглашдан ва коррозиядан сақлаш, уларга чиройли тус бериш мақсадида электролит ёрдамида 999 пробали олтин ёки шу пробадаги кумуш суви юритилади.

Умуман, заргарлик буюмларининг қиймати уларга берилган бадиий ишлов билан бирга уларга қадаладиган ноёб безак тошларига ҳам боғлиқ. Кейинги вақтларда, маълум ҳарорат ва кучли босим остида тайёрланадиган сунъий қимматбаҳо тошлар безак буюмлари учун кўплаб ишлатилмоқда. Уларга табиий ишлов берилиб, сержило қилинмоқда.

О. КАРИМОВА,
инженер-технолог.



ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

● **Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газетхонлари олдинда боришмоқда.**


● **Оқшомхонлар оқ доналарни сураётган иккинчи тахтада вазият кескинлашди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.**

● **Сизларни бутун дунё меҳнаткашларининг Халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами билан табриклаймиз, шахмат мухлислари!**

Ўтган чоршанба куни, 24 апрелда газетамизда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонлари ўртасидаги сиртқи шахмат матчининг иккинчи тахтасида олмаоталикларнинг жавоб юриши эълон қилинган эди. Улар c7 катагида турган пиёдани c6 катагига суришган эди. Шундан кейин оқ доналарда ўйнаётган тошкентлик шахмат мухлислари навбатдаги 31-юришни эълон қилишлари лозим эди.

Ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддат ўтди. Навбатдаги юриш ҳақида фикр ва мулоҳазалар битилган кўплаб хатлар олдик. Газетхонларнинг кўпчилиги c1 катагида турган филни e3 катагига юриш керак деган фикрни билдиришди. Жумладан, Р. Орипов, Сергели район шахмат клубининг аъзолари П. Ли, В. Костин ва бошқалар шундай фикр билдиришган. Бу юриш «Камалак» шахмат клуби томонидан тўғри деб тасдиқланди ва олмаотолик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

Бирон сабабга кўра баҳсда иштирок этолмай қолган мухлислар учун иккинчи тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз. 1. d4 d5 2. c4 dc 3. Kf3 Kf6 4. e3 Cg4 5. C:c4 e6 6. h3 Ch5 7. Kc3 a6 8. g4 Cg6 9. Ke5 Kd7 10. K:g6 hg 11. Ф:f3 Kc6 12. a3 Kb6 13. Ca2 Фd7 14. Cd2 0—0—0 15. 0—0—0 Ka5 16. Крb1 Кас4 17. Cc1 Крb8 18. e4 Фe6 19. Лd3 f6 20. h4 Ce7 21. h5g5 22. Лhd1 Лd7 23. Фe2 a5 24. d5 ed 25. K:d5 K:d5 26. Л:d5 Kb6 27. Л:d7 K:d7 28. Cd5 Фb6 29. C:a7 Ke5 30. cCd5 c6 31. Cc1—e3.



Шундай қилиб, бу партияда юриш навбати олмаоталикларга келди. Ҳурматли газетхонлар, Сизлар эса сиртқи шахмат матчи қандай боряётганлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Бизнинг адресимиз: 700047, Тошкент шаҳри: ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни 33-08-74, 32-55-32 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

(Газетанинг навбатдаги сони 4 майда чиқади).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

1985 ЙИЛ 6 МАЙДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ЖАННАТ»ДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

Фильм С. Наумовнинг шу номли қиссаси асосида яратилган. Сценарий муаллифи — Г. САДОВНИКОВ.
Режиссёр — Т. ЗОЛОЕВ.
РОЛЛАРДА: Р. САБУЛИС, А. БУЛДАКОВ, М. ВИЛСОНС, В. ЕВГРАФОВ ВА БОШҚАЛАР.

Ўткир сюжетли бу фильмнинг воқеалари Улуғ Ватан уруши йилларида бўлиб ўтади ва бу воқеалар гитлерчилар ғоятда махфий сир сақлашган немис уран рудаси омборининг совет разведкачилари томонидан йўқ қилиниши билан боғлиқдир.

«ОДЕССА» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ШАҲАРЛИКЛАРГА ТУҲФА!
ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ МИНИСТРЛИГИ

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИНИНГ

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

ЎЗ ЭШИКЛАРИНИ ШАҲАРЛИКЛАР УЧУН МЕҲМОНДЎСТЛИК БИЛАН ОЧАДИ.

МАРКАЗИЙ «СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР 50 ЙИЛЛИГИ ПРОСПЕКТИДА, УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ЭСА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТУРЛИ РАЙОНЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН.

Авиабилет ва автобус билетлари олиш, бошқа шаҳарлардаги меҳмонхоналарда жойларни бронлаштириш, туристик путевкалар сотиб олишни истовчилар агентликка тез-тез мурожаат этадилар.

Йил сайин аҳолига хизмат кўрсатиш форма ва усуллари такомиллашмоқда.

1985 йил 1 апрелдан бошлаб «Сервис» агентлиги тошкентликларга янги хизмат турини тавсия этади —

талаб қилинган ерга элтиб бериш шарти билан авиабилетлар учун телефон орқали комплекс буюртмалар қабул қилишни уюштиради.

ҲУРМАТЛИ МЕҲМОНЛАР ВА ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Авиабилетларга сиз қуйидаги телефонлар орқали буюртма беришингиз мумкин: 41-80-11, 41-80-12.

Автобус билетларига буюртма бериш учун телефон — 31-70-16.

Темир йўл билетлари учун телефон — 41-80-29.

Элтиб бериш ҳақи—1 сўм.

Буюртмачи истагига кўра унинг юклари «Сервис» агентлиги билан бир залда жойлашган «Ташкентгортрансэкспедиция» бирлашмаси 3-транспорт агентлиги ходимлари томонидан самолет, автобус ёки поезд рейсига элтиб берилади. Бунинг учун 41-80-27 телефонига қўнғироқ қилиш кифоя.

ДИҚҚАТ!

Уруш қатнашчилари ва инвалидлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ва уччала даража Шуҳрат орденлари билан мукофотланганлар учун «Сервис» агентлиги авиаавтобус ва темир йўл билетлари сотиш бўйича махсус касса очади. Хоҳишига кўра буюртмалар юқорида кўрсатилган барча телефонлар орқали қабул қилинади.

Барча турдаги билетлар учун комплекс буюртма қабул қилиш ва уларни талаб қилинган ерга элтиб берилиши тўғрисида маълумотларни 41-79-22 телефон орқали олиш мумкин.

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Бу сизнинг вақтингизни тежайди ва яхши кайфият бағишлайди.

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИНИНГ РЕКЛАМА ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг

21-ЎРТА ҲУНАР-ТЕНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР, ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ПРОГРАММИСТИ, ЎЙИН АВТОМАТЛАРИ МЕХАНИГИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ ҲАММА ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН 3 ЙИЛ, ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН 1 ЙИЛ.

Ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Билим юртини битирганлар Тошкент шаҳридаги муассасаларда, ташкилотларда, идораларда, лойиҳа-конструкторлик бюроларида, ҳисоблаш марказларида иш билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, ариза, паспорт, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

Билим юрти адреси: 700084, Тошкент шаҳри, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасига қарашли

8-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10-синф маълумотидаги йигит ва қизларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

8-синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати —3 йил. Уч йил муддат билан ўқишга қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, кўчалик ва иш кийим-бошлари билан таъминланадилар. Ўқишни тугатгач, ҳунар эгаллаб чиқиш билан бир вақтда ўрта маълумот ҳақида аттестат оладилар.

Шунингдек, 8-синф маълумотидаги ўқувчилар 1-2 йил муддатли ўқишга ҳам қабул қилинадилар. Улар бепул овқат, кўчалик ва иш кийим-бошлари билан таъминланадилар. Ўқишни тугатгач маълум ихтисосни эгаллаб чиққанликлари ҳақида аттестат оладилар.

10-синф маълумотидаги ўқувчилар 8 ой таълим оладилар ва 65 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юртидаги ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, робот-манипуляторларни созловчи, сонли программа бўйича бошқариладиган станокларни созловчи, сонли программа бўйича бошқариладиган станокларнинг оператори, токарь, фрезерчи, механик-йиғув ишлари слесари, саноат асбоб-ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи.**

Билим юртида спортнинг бокс, эркин ва классик кураш, футбол, волейбол, самбо, дзюдо секциялари ишлаб турибди. Бадиий ҳаваскорлик, авиамодель тўгараклари фаолият кўрсатаяпти.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: туғилганлик ва маълумот ҳақидаги гувоҳномалар, яшаш жойидан, отаси ёки онасининг ишхонасидан ва медицина (286-форма) справкалари; мактабдан характеристика, автобиография, 8 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 ҳажмида).

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, Авиационний проезди, 10-уй (10, 44, 48, 85, 97-автобуслар; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Марказ-13» бекати. (Телефон 41-89-01).

ҲУРМАТЛИ КИТОБСЕВАРЛАР!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ

43-«БУКИНИСТ» ИХТИСОСЛАШГАН КИТОБ МАГАЗИНИ

СИЗЛАРДАН ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРНИ

СОТИБ ОЛАДИ

КАТТА СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ —**30 томлик, 1969-78 йй.**

КАТТА МЕДИЦИНА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ.

ҚИСҚА МЕДИЦИНА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ —**3 томлик, 1972-74 йй.**

ЖАҲОН ТАРИХИ —**10 томлик., 1956-65 йй.**

ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДАН БОШЛАНГАН РОССИЯ ТАРИХИ —**15 томлик., 1962-66 йй.**

СОВЕТ ТАРИХИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ —**15 томлик., 1961-76 йй.**

ФАЛСАФА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ —**5 томлик., 1960-71 йй.**

ДАЛЬ В. РУС ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ —**4 томлик., 1956 й.**

КЛЮЧЕВСКИЙ В. О. АСАРЛАР —**8 томлик., «Гослитиздат», 1956-59 йй.**

ГАМСУН К. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР —**2 томлик. Москва, Бадиий адабиёт, 1970 й.**

БУНИН И. АСАРЛАР —**9 томлик. Москва, Бадиий адабиёт 1965-67 йй.**

ВЕРЕСАЕВ В. В. АСАРЛАР —**5 томлик. Москва, Правда, 1961 й.**

ИЛЬФ И. ВА ПЕТРОВ Е. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ —**5 томлик. Москва, Бадиий адабиёт, 1961-62 йй.**

ГОЛСУОРСИ Д. АСАРЛАР ТЎПЛАМИ —**16 томлик. Москва, Правда, 1962 й.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 42-уй. Справкалар учун телефон —42-06-36.



«БОДРОСТЬ» ШАМПУНИ ФАЗИЛАТИ

«БОДРОСТЬ» ШАМПУНИ ВАННАДА ЮВИНИШ ВА СОЧНИ ЮВИШ УЧУН ЖУДА ҲАМ ҚЎЛ КЕЛАДИ.

Бу кўпирувчи восита таркибида поливитамин ва хушбўй исли моддалар бўлганлиги туфайли тери учун шифобахш хусусиятларга эга.

БУ ОРАСТАЛИК ВОСИТАСИ ҲАР ҚАНДАЙ СУВДА МЎЛ-КЎЛ—ЕНГИЛ ВА БАРҚАРОР КЎПИРАДИ.

ВНИИХИМПРОЕКТ.

КАСБ ЎРГАНИШ МАСКАНИ!

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

5 ВА 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

17 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8 ВА 10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Битирувчиларга шаҳарнинг йирик савдо магазинларига ишга йўлланмалар берилади ва Совет савдоси техникумига ўқишга кириш учун имконият яратиб берилади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй (20, 34, 50, 54, 70, 75, 79-автобуслар; 6, 11, 12, 13, 19-троллейбусларнинг «Шуҳрат» бекати: метронинг «Чилонзор» станцияси). Ўқув қисми телефони 76-39-54.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

СЕРГЕЛИЛИКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ЕТАРЛИ АССОРТИМЕНТДАГИ МОЛЛАРГА

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ОЛДИНДАН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

АГАРДА СИЗ БИРОРТА САБАБ БИЛАН ЎЗ ВАҚТИДА МАГАЗИНГА КЕЛОЛМАГАН БЎЛСАНГИЗ, ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ БУЮРТМА БЕРИНГ.

Магазин ходимлари сизнинг хонадонингизга кондитер ва нон-булка маҳсулотлари, балиқ консервалари, бакалея моллари ва макарон маҳсулотларини етказиб беришади.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИ АДРЕСИ ВА ТЕЛЕФОНЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:



2-МАГАЗИН— Спутник, 6-квартал, 39-уй.

Иш соати — 9.00 дан 21.00 гача, танаффус—14.00 дан 15.00 гача. Телефон 58-74-48.

24-МАГАЗИН —Сергели-2.

Иш соати—8.00 дан 21.00 гача, танаффус— 14.00 дан 15.00 гача. Телефон 58-45-85.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

САМОКАТ БОЛАГА ҚУВОНЧ БАХШ ЭТАДИ!



Бу буюм Тошкент агрегат заводида ишлаб чиқарилмоқда.

Дадалар ва оналар, агарда сиз севимли кичкинтой фарзандингизга ёки набирангизга САМОКАТ сотиб олиб берсангиз боланинг кўнгли бир олам қувонишини биласизми!

БОЛАЛАРГА ДАСТЛАБКИ МУСТАҚИЛ ТРАНСПОРТ — СПОРТРОЛЛЕР САМОКАТ СОВҒА ЭТИНГИЗ.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1, 2/V да **Байрам концерти,** 4/V да **Бўрон.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/V да **Ўғрини қароқчи урди,** 2/V да **Келинлар қўзғолони,** 3/V да **Йўлчи юлдуз,** 4/V да **Отелло.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1, 2/V да **Сатира ва юмор,** 3/V да **Тошболта ошиқ,** 4/V да **Тоҳир ва Зуҳра.**

КИНО

1 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА» — **Санъат саройи** (15, 20.00). Телефон 44-21-44); **Москва** (17, 20.00, телефон 33-05-01).

«МИМОЗАЛАР ГУЛДАСТАСИ ВА БОШҚА ГУЛЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83); **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **Қозоғистон** (катта зал 17, 21.00; телефон 35-24-92).

«ТҮСИҚЛАР МАЙДОНИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61) **Дружба** (жуфт соатларда), **Тошсовет 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ПЕШҚАДАМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«УЛАР ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛДИЛАР» —**Фестиваль** (17, 19.30; телефон 32-78-02).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Лисунов номли** (15, 20.00, телефон 96-34-02).

«ҚИРҒОҚ» — **Мир** (17, 20.00).

«СПОРТЛОТО-82» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20); **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-76-69).

«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» **С. Раҳимов номли** (жуфт соатларда, телефон 48-46-71).

2 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА» — **Санъат саройи** (11, 14, 15, 20.00, телефон 44-21-44).

«МИМОЗАЛАР ГУЛДАСТАСИ ВА БОШҚА ГУЛЛАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«СЕВГИ АФСОНАСИ» — **Қозоғистон** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00, телефон 35-24-92).

«ҚИРҒОҚ» — **Қозоғистон** (кичик зал, 12, 15, 18, 20.00), **Мир** (11, 14, 17, 20.00).

«ТҮСИҚЛАР МАЙДОНИ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61); **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75); **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«СПОРТЛОТО-82» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-34-02).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Лисунов номли** (11, 14, 15, 20.00, телефон 96-34-02).

«СЕВГИ ВА КАБУТАРЛАР» — **С. Раҳимов номли** (жуфт соатларда, телефон 48-46-71).

«ПЕШҚАДАМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«УЛАР ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛДИЛАР» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.00, телефон 32-78-02).

СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатни илмий ташкил этиш марказининг Ўзбекистон филиали коллективи филиал ходими У. Н. Юсуповга отаси

Неъматулла ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва саноат-граждан қурилиши факультетининг қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш кафедраси коллективи шу кафедра катта ўқитувчиси, экономика фанлари кандидати И. А. Шомирзаевга отаси

Абулқосим ШОМИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

«Ўзбекистон» нашриёти коллективи нашриёт катта редактори З. Тинчеровага синглиси

Рашида ТИНЧЕРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТВ

Чоршанба

1 МАЙ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

● МТ I

18.25 Мультконцерт.
18.55 Останкино концерт студиясида 1 Май байрам концерти.
21.30 МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 Халқаро конкурслар ва фестивалларнинг фахрий совриндорлари иштирокида эстрада кўрсатуви.

4-БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

1 МАЙ, 1985 й.

23.00 Н. Тихонов. «Йиллар ва йўллар». Телефильм.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.05 Л. Леонов. «Ҳаётга таклиф». Фильм-спектакль.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Телефильмлар.
21.30 МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 Оперетта артистларининг концерти.

● ЎзТВ I

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 Болалар учун. «Май қувончлари».
19.10 «Кичкинтойлар учун гул чамбарак», «Эчки Евсей ҳақида». Мультфильмлар.
19.30 «АХБОРОТ». МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ.
20.10 Байрам музикали программаси.
21.30 Москва. МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ — 1 МАЙНИНГ БАЙРАМ ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА РЕПОРТАЖ.
22.30 «Оқшом тушингга бор ҳализ». Бадиий фильм.
23.55 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Казаков филигранн». Телефильм.
18.30 «Етти қария ва бир қиз». Телевизион бадиий фильм (рус.).
19.50 «Қалбим маликаси». Музикали фильм.
21.05 «Чилангарга таъзим қил, баҳор». Телефильм.

Пайшанба

2 МАЙ

● МТ I

9.00 «Дунё воқеалари».
9.20 «Ғалаба куйи чалинмоқда». Фильм-концерт.
10.20 «Россия диёрим менинг». Телефильм.
11.00 «Қувноқ нотачалар». Ёш вокалистлар концерти.
12.00 «1 Майнинг чет эллик меҳмонлари».
12.15 «Цирк майдонида».
12.55 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан телефильм премьераси.
13.20 ЧССР, ПХР, БХР, ВХР, ГДР, РСР фольклор коллективларининг концерти.
13.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари матчи. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
15.50 «Бир лаҳза қайрилиб боқ». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
16.55 «Театрда, кино ва телевидениеда мусиқа».
17.50 «Крем-брюле». Мультфильм премьераси.
18.00 Оренбург Давлат рус халқ хорининг концерти.
18.30 «Урушдан сўнг соат олтида». Бадиий фильм.
20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Швейцария терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
21.45 «Время».
22.20 Ғалабанинг 40 йиллиги номли Бутуниттифоқ зарбдор отрядини беш йиллик қурилишларига кузатишга бағишланган ёшлар кечаси.
00.05 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Уссурий тайгаси». Илмий-оммабоп фильм.
9.50 В. Маяковский шеърлари.
10.25 «Жарангла, бандура».
10.55 «Саёҳатчилар клуби».
11.55 «Баҳор қўшиқлари». Мультфильм.
12.15 М. Шолохов. «Улар Ватан учун жанг қилганлар».
12.30 Белоруссия Давлат консерваторияси цимбалчилар ансамблининг концерти.
13.00 Болалар учун фильм. «Жаноби олийлари, доим тайёр бўлинг!»
14.10 С. Гулак-Артёмовскийнинг «Дунай ортидаги запорожьелик» операси.
16.10 «Кинотомошабин ҳамроҳи». Болаларга бағишланган сони.
16.55 «Космонавтлар ерда туғилишади». Телефильм.
17.55 Останкино концерт студиясида кулги кечаси.
19.20 «Музикали мозаика».
19.50 Ҳужжатли фильм.
20.00 «Ива Линна». Фильм-концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ленин проспекти». Москва бўйлаб саёҳат» туркумидан.
21.05 СССР халқ артисти И. Моисеев раҳбарлигидаги СССР Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти.
21.45 «Время».
22.20 «Бугун — Янги аттракцион». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 Янгиликлар.
10.15 Ўзбекистонда XIV Бутуниттифоқ Болалар ва ўсмирлар музикаси ҳафталигининг тантанали ёпилиши ҳамда мактаб ўқувчиларининг XI республика «Санъат байрами» конкурси лауреатларининг якунловчи концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
11.55 «Менинг азиз кишим». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
13.05 «Алла Пугачёва билан учрашувлар». Эстрада программаси.
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Болалар учун. «Баҳор табассуми» (рус.).
18.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ўртоқ қўшиқ». 2-кўрсатув. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган бадиий ҳаваскорлик коллективларининг Бутуниттифоқ кўриги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Омад тумори», «Соло». Қисқа метражли бадиий фильмлар.
21.45 Москва. «Время».
22.20 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган Ўзбекистон санъат усталари ҳамда ижрочи ёшларининг концерти.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Шаҳар фантазияси». Музикали фильм.
19.20 Болалар учун фильм. «Физкульт-ура!»
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Иккинчи баҳор». Бадиий фильм.
21.45 МТ II.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 12230. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.